



ЁШЛАР ЎРТАСИДА НАРКОЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ибрагимов Абзор Алимович

ИИБ Академияси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15314726>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20- Aprel 2025 yil

Ma'qullandi: 25- Aprel 2025 yil

Nashr qilindi: 30- Aprel 2025 yil

KEY WORDS

Ёшлар, наркожиноятлар, профилактика, наркотик моддалар, ижтимоий омиллар, психологик омиллар, таълим, маърифат, жиноятларнинг олдини олиш.

ABSTRACT

Мақола ёшлар ўртасида наркожиноятлар профилактикасига қаратилган мулоҳазаларга бағишланган. Унда ёшлар орасида наркотик моддаларга қарамлик ва улар билан боғлиқ жиноятларнинг тарқалиш сабаблари, ижтимоий-иқтисодий ва психологик омиллари таҳлил қилинади. Наркожиноятларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар, хусусан, таълим, маърифат ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари кўриб чиқилади. Шунингдек, профилактика дастурининг замонавий ёндашувлари ва уларни амалга ошириш бўйича таклифлар келтирилади.

Гиёҳвандлик юзасидан маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг барчаси инсониятни бу хатарли балодан сақлаб қолиш йўлида фаолият юритмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда гиёҳвандликка қарши курашиш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Инсоният келажаги, миллатлар истиқболи, кишилар саломатлиги ва умуман ер юзида яхшилик ҳукм суриши учун қайғураётган кишилар дунёнинг бу масалада ҳалокат ёқасига келиб қолгани ҳақида ўз ташвишларини баён қилмоқдалар. Кундан-кунга кўплаб кишилар, ёшлар, аёллар ва болалар гиёҳвандликнинг ҳалокатли тўрига илиниб қолмоқда. Гиёҳвандликнинг кишилар соғлиғига, оилаларга, иқтисодиётга, одоб-ахлоққа, умуман, инсон ҳаётининг барча соҳаларига кўрсатаётган салбий таъсири тобора кучайиб бормоқда. Гиёҳвандликка қарши курашиш, аниқроғи, унинг келиб чиқиш сабаб ва омилларига қарши кураш олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Гиёҳвандлик ижтимоий касаллик бўлиб, у нафақат инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини издан чиқаради, балки унинг оиласига, атрофдагиларга, жамиятга зарарли таъсир кўрсатади, турли ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда ёшлар орасида гиёҳванд моддалар ва психотроп воситаларининг тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларга қарамасдан, бу муаммо ёшлар орасида кенг тарқалмоқда. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ақл-идрокнинг бузилишига, кучли ҳаяжонланиш, ғазабланиш, шафқатсизлик, бефарқлик ва қизиқишлар доирасининг қисқаришига олиб келади, ёш организмни издан чиқаради. Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига

йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади. Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда республика ҳудудида гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган. Ёшлар ўртасидаги наркожиноятларга қарши курашиш ва унга қарши курашиш мутодларининг энг самарали тузими бу уни профилактикасидир. Унинг асосини ёшларнинг шахсига оид ёшлиги, бундан ташқари эса шу ёшлар наркожиноятларини жабрдийдаси эгаллаб турибди. Бу наркотизимнинг негатив томонларини намойиш этади Ўз ўрнида ўсмирлар наркожинояти бу ўзига хос жиноят тури ўз ичига Жиноят кодексининг 270-276-моддаларида кўрсатилган ҳаракатларни олади. Наркотик истеъмол қилувчи шахсларнинг кўпчилигини 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Бу эса ўз навбатида биринчи хавф гуруҳининг сони анча юқори дегани. Ушбу иллатнинг ёшлар орасида оммалашиши жуда хавфлидир. Ёшлар ўртасида бу иллатнинг кўпайиб кетишини ўсмирларнинг ҳар хил нарсаларга қизиқувчанлиги, тез таъсирга берилувчанлиги, уларнинг ушбу касаллик туфайли келиб чиқаётган асоратларни билмаслиги ҳамда аҳоли орасида гиёҳванд восита ёки гиёҳвандлик касаллиги тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги билан тушунтириш мумкин. Оиладаги кўникмаларни ўргатувчи дастурларни ўтказиш тўғрисидаги программада оиладаги асосий фактлар орасида энг кўп кўрсатилгани бу оила аъзолари томонидан наркотик моддаларни истеъмол қилиниши ва жиноий фаолият билан шуғулланишлари кўрсатилган. Барча ҳолатларда оиланинг криминоген таъсири унинг социал муаммосини бажармаслиги билан боғлиқ. Оилавий алоқаларнинг вояга етмаганларни ташқи негатив криминологик таъсирлардан чегараланиши криминологик тарафдан муҳим деб ҳисобланади. Ўсмирда жиноятлар содир этишга нисбатан мойиллиги қуйидаги ҳолатлар сабабли рўй беради:

- ота ёки онанинг йўқлиги, уларнинг ёшларни тарбиялай олмаслиги;

- уйида тинч ва осойишта вазиятни кўра олмаслиги;

- моддий қийинчиликлар;

- яқин қариндошлари томонидан антисоциал ва жиноий муҳитга жалб қилиниши;

Бундан ташқари муайян пул манбаларига эга бўлмаган шахслар ўртасида наркожиноятларнинг ўсиши кузатилган.

Гиёҳвандликнинг салбий таъсири қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, наркотик моддаларнинг истеъмоли одам организмига кучли салбий таъсир кўрсатади, жумладан, иммун тизими, юрак-қон томир тизими, асаб тизими ва бошқа органларга зиён етказади. Уларнинг узоқ муддатли истеъмоли ўлимгача олиб бориши мумкин.

Иккинчидан, гиёҳвандлик инсон маънавиятини йўқотиши, шахсий ҳаётини бузиши ва оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Наркотик моддаларнинг тарқалишига ота-оналар ва ёшлар ўртасидаги эътиборсизлик ва билимсизлик, ижтимоий тармоқларда наркотик моддаларнинг тарғиб қилиниши ҳамда иқтисодий қийинчиликлар ва ишсизлик ва ота оналарнинг эътиборсизлиги ва

маъсулиятсизлиги сабаб бўлмоқда. Юртимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан иммунитетни шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар бартараф этилмоқда. Жаҳон тажрибаси негизида гиёҳвандликка чалинган беморлар учун тиббий-даволаниш тизими ташкил этилмоқда. Бунда, айниқса, 2024 йил 6 май куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилингани улкан аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатда айтилган соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишлари белгилаб берилди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди. Миллий стратегияда кўзда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Эътибор беринг: БМТ Бош Ассамблеяси 2024 йил 4 июнда қабул қилган Резолюция матнида – Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 6 майдаги Фармони билан тасдиқланган Миллий стратегия қоидалари ўз аксини топган.

Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон гиёҳвандликка қарши кураш борасидаги миллий, минтақавий ва халқаро ташаббусларини узвий боғлиқлик ва мунтазамлик асосида илгари сураётганидан далолат беради. Янада муҳими шуки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда гиёҳванд моддалар савдоси ва гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб бораётган изчил сиёсати туфайли минтақамизда бу борада ижобий натижаларга эришилаётгани ҳам айтиш ҳақиқатдир. Шу маънода, бугун муаммонинг оқибатлари билан эмас, балки сабаблари билан курашиш самаралироқ. Бу кураш қандай амалга оширилади? Фақат тарғибот-ташвиқот ва медиа имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали.

Мамлакатимизда барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, барча меҳнат жамоаларида гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида маънавий-маърифий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йили февраль ойида ички ишлар органлари томонидан “Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши курашиш” ойлиги ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбирларда ёшлар орасида янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва “енгил наркотик” сифатида оммалашиб бораётган дори-дармонларнинг инсон саломатлиги билан бир қаторда, турмуш тарзига, келажагига, яқинларига салбий таъсири тушунтириляпти.

Муаммога қарши кураш йўллари

1. Ёшлар орасида гиёҳвандликнинг зарарлари ҳақида кенг қўламли таълим компаниялари ўтказиш муҳим. Мактаблар, университетлар ва жамоат ташкилотлари ўртасида ушбу мавзуда семинарлар ташкил этилиши лозим.

2. Наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатишга қарши кескин чоралар кўриш, жиноятчиларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари белгилаш.

3. Гиёҳвандликка гирифтор бўлган шахсларга ёрдам бериш учун самарали

реабилитация дастурлари ташкил этиш.

4. Наркотик моддаларнинг трансмиллий савдосини камайтириш учун халқаро даражада ҳамкорликни кучайтириш.

Гиёҳвандлик муаммосига қарши курашиш фақат давлат органларининг эмас, балки бутун жамиятнинг вазифасидир.

Бу борада оила, маҳалла, таълим муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали бу глобал муаммога қарши самарали кураш олиб бориш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т., 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси-Т., 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-Т., 2023.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни-Т., 2012.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни-Т., 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни-Т., 2000.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни-Т., 2018.
9. Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!.
- Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления, 1(1), 117-123
10. Қ. вопросу о понятии экстремизма. МА Маликов, МКУ Холходжаев - Eurasian Journal of Law, Finance ..., 2024 - cyberleninka.ru
11. Some aspects of the legal regulation of the conduct of operational-search measures by the internal affairs bodies. RR Nishonkhujayevich - INNOC, 2023 - innoc.uz
12. Угроза религиозного экстремизма и терроризма. Х Якубов, Х Рахмонжонов - Общество и инновации, 2022 - inlibrary.uz
13. Basics of a quick experiment conducting operational search events
- YK Sheribboevich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz
14. Текшириш учун харид қилиш ва назорат остида олиш тадбирларининг тушунчаси ва аҳамияти. ТЭ Машарипов - Евразийский журнал права, финансов и прикладных ..., 2024
15. Файзуллаев, Д (2024) Кибержиноятчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи. Central asian journal of multidisciplinary research and management studies 4(1), 120-125
16. Ёшлар орасида экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш/ТЭ Машарипов, СР Ишниёзова Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (5), 107-113
17. Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиб гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ўтказиш жиноятларининг назарий тушунчалари!. Евразийский журнал права, финансов и

прикладных наук, 4(1), 171-177.

18.Орипов , Темурмалик. 2023. «Хуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокининг аҳамияти». Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук 3 (6):225-29. <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/18296>

19.Файзуллаев, Д. (2024). Ёшлар орасида экстремизм ва радикализмни тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари!. Евразийский журнал академических исследований, 4(1 Part 2), 97-103.

20.Сўров тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда унинг тактик хусусиятлари.А.А. Атоев - Eurasian Journal of Technology and Innovation, 2024 - cyberleninka.ru.

21. КИССАВУРЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИТекст научной статьи по специальности «Науки о Земле и смежные экологические науки»Жамшид Нуриддин Ўғли Низомиддинов

22. Отакулов , Н. . (2023). НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ. Евразийский журнал академических исследований, 3(9), 202–206. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/20968>

23. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ. КН Убайдуллаев Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4 (4), 62-70

24. THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE CONDITIONS OF CONDUCTING FAST SEARCH EVENTS KA Mukhtorovich - International Journal Of Law And Criminology, 2024 - inlibrary.uz

25.Исомиддинов, С. (2024). “Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б.185-192.

26. Насритдинов А (2025) Дастлабки терговда жиноятларнинг олдини олиш вазифасининг моҳияти ва аҳамияти - MODERN EDUCATION AND DEVELOPMENT file:///F:/maqola/смартга/ссилка%20.pdf Б 225-240